

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.02-07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРКУЛОВА НАРГИЗА ТАШПУЛАТОВНА

**АФФИЛИАЦИЯ МОТИВИ – ТАЛАБАЛАР МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ
ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология
(психология фанлари)**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата
доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on psychological Sciences**

Норкулова Наргиза Ташпулатовна Аффилиация мотиви – талабалар маънавий қиёфасини шакллантирувчи ижтимоий-психологик омил.....	3
Норкулова Наргиза Ташпулатовна Мотив аффилиации как социально-психологический фактор формирования духовно-нравственного облика студентов.....	23
Norkulova Nargiza Tashpulatovna Motive of the affiliation – as the social and psychological factor of formation of spiritual shape of students.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publications.....	47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.02-07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРКУЛОВА НАРГИЗА ТАШПУЛАТОВНА

**АФФИЛИАЦИЯ МОТИВИ – ТАЛАБАЛАР МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ
ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология
(психология фанлари)**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Psi17 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ik-falsafa@nuu.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида www.ziyounet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримова Васи́ла Маманосировна
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мухамедова Дилбар Гафурджановна
психология фанлари доктори

Фарфиева Камола Атхамжановна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Psi.02-07 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21; (99871) 246-02-24 e-mail:nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил:100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси, “В” қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ғ.Шоумаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

А.Расулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Н.Сафаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги глобаллашув жараёни шиддат билан кечаётган, ахборот технологияларининг инсон ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ошиб бораётган даврда жамиятда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этишга бўлган зарурат тобора ортиб бормоқда. Жаҳон амалиётига кўра, сўнгги йилларда шахсдаги яккаланиш, ёлғизланиш ҳиссининг ошиб бориши жамиятда салбий жараён сифатида кузатилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунга келиб 300 миллиондан ортиқ инсонлар депрессив ҳолатдан азият чекишлари натижада 15-29 ёшлилар ичида ҳар йили 800 000 киши ўз жонига қасд қилиш ҳолати қайд этилади. Ушбу муаммоларни ҳар бир мамлакатнинг миллий давлат дастурлари даражасида ҳал этиш имконияти мавжуд бўлиб, 2010-2016 йилларга келиб ўз миллий сиёсатини ЖССТнинг “Соғлиқ-2020” дастурига мос ҳолда юритаётган давлатлар сони 58 фоиздан 92 фоизгача етди¹.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш билан боғлиқ тадқиқотларни олиб боришга катта эътибор қаратилди. Ёшларни тарбиялашда бой маънавий-маданий анъаналар, урф-одатлар ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий ижтимоий-психологик механизмлар ишлаб чиқилиб, таълимни инсонпарварлаштиришга замин яратди. Бундай муҳим вазифаларни амалга оширишда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун асосида таълим тизими соҳасидаги устувор йўналишлар белгиланди². Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-психологик йўналишларда амалга оширилаётган тадқиқотларда ёшларни маънавий жиҳатдан баркамол этиб шакллантириш, шахслараро муносабатларни яхшилаш ҳамда аффилиация мотиви каби ижтимоий-психологик омилларни янада чуқур ўрганишни тақозо этади. Зеро, жисмонан етук, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга садоқатли, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш асосида маънавий қиёфасини шакллантириш - жамият тараққиётининг муҳим маънавий омили ва кафолати сифатида белгиланди³.

Жаҳон амалиётида, айниқса фалсафа, социология, ижтимоий психология фанлари доирасида ёшларнинг маънавий баркамоллигини шакллантирувчи омиллари ўрганилган. Айни пайтда дунё олий таълим тизимида талабаларда ўқув ҳамда касбий маҳоратга ундовчи мотивларни самарали шакллантириш, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва дахлдорлик

¹ Доклад Европейского регионального бюро ВОЗ (Будапешт, Венгрия, 11.09.2017) – // Электронный ресурс / Режим доступа: hartlg@who.int. (дата обращения 05.09.2017).

² “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2016 й., 37-сон, 426-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – Б.39.

туйғусини ривожлантириш, уларда аффилиация мотивацияси орқали маънавий қиёфани ўрганувчи диагностик тизимни такомиллаштириш, талабаларда ўқув ҳамда касбий маҳоратга ундовчи мотивларни ривожлантириш, уларда содир бўладиган руҳий зўриқишларни юмшатиш, ёлғизлик, бегоналашиш, тушкунлик, депрессия ҳолатларини олдини олиш, аффилиация мотивининг конатив ва интегратив функциялари, ўзини таъкидлаш, ҳамкорликка интилиш, мулоқот учун муомала каби ижтимоий-психологик хусусиятларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қартилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2124-сон Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 15 майдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мотивация, хусусан, аффилиация мотиви муаммоси билан чет эл олимларидан Г.Мюррей, Р.Кэттелл, Х.Хекхаузен, А.Меграбян, З.Фрейд, А.Маслоу, Д.Макклелланд, Д.Майерс, Т.Уотсон, Ж.Борн, Р.Фрейджер, Д.Фейдимен, J.Allport, J.Atkinson, В.Вунок, W.McDaugall⁴, шунингдек рус олимларидан Л.Петражицкий, Б.Ананьев, А.Леонтьев, А.Орлов, К.Абульханова-Славская, С.Рубинштейн, С.Ильин, М.Магомед-Эминов, Л.Ковалев, А.Маркова, Т.Матис, Р.Немов,

⁴Murray H.A. Explorations in Personality. New York: Oxford University Press, 2001.; Ильин Е.П. Мотивация и мотивы. – СПб.: Питер. 2008. – 512 с.; Маслоу А. Мотивация и личность. 3-е изд. \ Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2008.– 352с.; Хекхаузен Х. Мотивация и деятельность.В 2-хт. – СПб.: Питер, 2003. – Т.1.– 859 с.; Макклелланд Д. Мотивация человека. –СПб.: Питер, 2007.–672с.; Mehrabian A. Verbal and nonverbal interaction of strangers in a waiting situation// Journal of Experim. Research in Personality.–1991.– p-5.; Майерс Д. Социальная психология / пер.сангл.–СПб.: Питер Ком, 1998.–688с.; Хьюстон М. Введение в социальную психологию. Европейский подход/М. Хьюстон, В.Штрёбе; Пер. с англ. под ред.проф. Т.Ю.Базарова.– М.: Юнити-дана, 2004.– 622с.; Аронсон Э., Уотсон Т., Эйкерт Р. Социальная психология. Психологические законы поведения человека в социуме.– СПб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2002.–560с.; Борн Ж. Эксперимент на близость.–СПб.: Речь, 2001.–86с.;Фрейджер, Р., Фейдимен, Д. Большая книга психологии. Личность. Теории, упражнения, эксперименты.; Allport J.W. The trend in motivation theory// Amer. J. Orthopsychiat, 1953.– vol. 23, N 36.– pp. 38-51.; Atkinson J. W An introduction to motivation. Princeton etc. – Van Nostrand, 1978. – 405 p.; Vuunk B. Affiliation and helping interactions within organizations: a critical analysis of the role social support with regard to occupation stress \ in Stroebe W., Hewstone M. European Review of Social Psychology, – Chichester: John Wiley, 1990.– N1.– pp. 293-322.; McDaugall W. Psycho-analysis and socialpsychology. 1.: Methnen, 1936.– 203 p.

И.Кузнецова, М.Матюхина, Т.Стефаненколар ушбу феноменга алоқадор психологик хусусиятларни ўз тадқиқот ишларида ўрганишган⁵.

«Аффилиацияга йўналганлик» тушунчаси илк маротаба А.Меграбян ва С.Кшесинскийлар⁶ томонидан ижтимоий психологияга киритилган.

Мулоқот доирасига алоқадор мотивацион жараённи ўрганиш мураккаб масалалардан бири сифатида Г.Мюррей ва Н.Творогованинг аффилиация мотиви тушунчаси ғоялари олинган; аффилиация мотиви таркибига кирувчи эмоционал-ишончли алоқага нисбатан эҳтиёжлар ролини Я.Мазуркевич, Е.Мелибруд, К.Обуховский ишларида тадқиқ этилган. Аффилиация мотивини ўлчаш учун факторли анализни қўллаш Р.Кэттелл томонидан таклиф этилган бўлиб, унинг тахминича, аффилиацияга нисбатан мотивацион мойиллик ҳукм суради, буни у мулоқотмандлик деб атаган⁷.

Мамлакатимизда ёшлар камолотини таъминлаш учун улар дунёқарашлари тизимида шахсда маънавий чизгилар шаклланиши муаммолари, ечими, аввало, файласуфлар изланишларига тааллуқлидир. Фалсафий-социологик тадқиқотлар йўналишида Г.Туленова, З.Абдурахманова, Т.Махмудов, М.Ортиқхўжаев, Х.Шайхова, С.Шермухамедов, А.Бегматов, М.Бекмуродов ва бошқаларнинг таълимотларида маънавиятга таалуқли масалалар, маънавий маданиятни ривожланиш қонуниятлари, инсоннинг маънавий қиёфаси, руҳий поклик, комиллик каби муҳим муаммоларнинг турли жиҳатлари ўрганилган, ёшлар маънавиятини янгича талқин этишга қаратилган самарали илмий тадқиқотлар олиб борилган⁸.

Ватанимизнинг олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, шахс маънавий қиёфасига таъсир кўрсатувчи ижтимоий-психологик омиллар беҳисоб. Ушбу муаммога фалсафий нуқтаи

⁵Петражицкий Л.И. О мотивах человеческих поступков, в особенности об этических мотивах и их разновидности.– СПб: Тип. Э.Л.Пороховшиковой, 1904. – 75 с.; Ананьев Б.Г. Избранные психологические труды в 2-х т. – М.:Педагогика, 1999. – Т1. – 287с.; Леонтьев А.Н.Потребности, мотивы, эмоции.М.:МГУ,2004.–380 с.; Орлов А.Б. Экспериментальные и прикладные исследования мотивационных образований в зарубежной и когнитивной психологии // Психол., журн. – Москва, 1990. –№6, С. 16-27.; Орлов Ю.М. Потребностно-мотивационные факторы эффективности учебной деятельности студентоввуза: Дис. ... док.псих.наук. –М.: МГУ, 1984.–529 с.; Абульханова-Славская К.А. Активность и жизненная позиция личности. –М.:Изд-во АН СССР, 1988. – 260 с.; Рубинштейн С.Л. Человек и мир // Методологические и теоретические проблемы психологии. – М.: Наука, 1999. – С. 148-374.; Ильин Е.П. Мотивация и мотивы. –СПб.: Питер, 2008.– 512 с.; Ковалёв В.И. Мотивы поведения и деятельности.–М.:Наука, 1988.–192 с.; Маркова А.К., Матис Т.А., Орлов А.Б. Формирование мотивации учения.– М.: МГУ, 1990.–192 с.; Немов Р.С., Алтунина И.Р. Социальная психология / Учебное пособие.– СПб.: Питер,2010.–432с.; Кузнецова И.В. Мотив аффилиации в межличностных отношениях: Дис. ... канд. псих. наук.– СПб.: СПГУ, 2006. – 200 с.; Стефаненко Т. С. Этнопсихология.– М.:Институт психологии РАН, «Академический проект»,1999. – 320 с.

⁶ Хекхаузен Х. Мотивация и деятельность. В 2-х т. – М.: Наука, 1986. – Т.2. – С. 303-307.

⁷Творогова Н.Д. Психология управления. Практикум. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2008.– С. 125-150.; Обуховский К. Галактика потребностей. Психология влечений человека.– СПб.: Речь, 2003.– 294с.; Макклелланд Д. Мотивация человека. –СПб.: Питер, 2007.– б. 72-73.

⁸Туленова Г.Ж. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли: Фал. фан. док. ... дис.– Т.: ЎзМУ, 2006. – 317 б.; Абдурахманова З.Э. Ёшларда миллий бирлик туйғуси шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Псих.фан.ном. ... дис. –Т.:2006. – 129 б.; Махмудов Т. Эстетика и духовные ценности. –Т.: Шарқ, 1993. – 286 с.; Ортиқхўжаев М. Маънавий уйғунлик. – Т.: Ўзбекистон, 2005.– 64 б.; Шайхова Х.О. Инсон ва унинг маънавий дунёси. – Т.:ТДУ, 1993. – 67 б.; Шермухамедов С. На языке единства. – Т.: Узбекистан, 1991.– С.15-32.; Бегматов А., Бекмуродов М. Миллий менталитет ва маънавият. –Т.: Адолат, 2002.– 79 б.

назардан Н.Очилова; мактаб битирувчиларининг маънавий қиёфасини С.Тўйчиева; хизмат маданияти ва маънавий қиёфанинг ўзаро алоқадорлиги М.Мамажонов ва Г.Хамидовлар; раҳбар шахсининг маънавий қиёфаси Я.Турмухамедов, Н.Нарзикуловлар; қишлоқ ёшлари жисмоний ва маънавий қиёфасига экологик вазиятнинг таъсири М.Эшматовлар ўз изланишларида тадқиқ этишган. Социолог М.Бекмуродов шахс маънавиятини шакллантиришда бошқа субъектларнинг таъсирига алоқадор омилларни ўрганган⁹.

Мамлакатимиз психологлари Э.Ғозиев, Ғ.Шоумаров, Б.Қодиров, В.Токарева, В.Каримова, Н.Сафаев, Ш.Баротов, Б.Умаров, З.Нишонова, А.Файзуллаев, А.Жабборовлар ишларида шахснинг маънавий, мафкуравий, сиёсий, иқтисодий, профессионал қиёфасини шакллантиришнинг шартлари ўрганилган бўлиб, шахснинг ижтимоий хулқ-атворида таъсир этувчи ижтимоийлашув институтлари, манбалари ва механизмлари, хулқ-атвори мувофиқлаштириб турувчи омиллар маҳаллий шароитда таҳлил этилган¹⁰.

Олимлар ўз тадқиқотлари предметлари доирасида муайян хулосаларга келган бўлсалар-да, лекин аффилиация мотивининг бевосита талаба-ёшларнинг маънавий қиёфасига, ижтимоий хулқига таъсир кўрсатишининг ижтимоий-психологик механизмлари ва омиллари комплекс тарзда ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф1-103 «Республика иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида инсон потенциалини ривожлантириш» (2012-2016 йй.), И-2015-1-13.«Бизнес соҳасида кадрлар тайёрлашда инглиз тилини ўқитишнинг инновацион модули» (2015-2016 йй.) мавзулари доирасида бажарилган.

⁹Очилова Н.Р. Ҳозирги замон цивилизациясининг шахс маънавий қиёфасига таъсирини ўрганиш: Фал. фан. ном. ... дис. – Т.: ТДИУ, 2010. –137 б.; Тўйчиева С.М. Мактаб битирувчиларининг маънавий қиёфаси. Монография/ 1 мас.муҳаррир.: М.Г.Давлетшин.– Тошкент:ТДПУ, 2000.–19 б.; Мамажонов М., Хамидов У. Хизмат маданияти ва маънавий қиёфа. – Т.:Шарк. 1999.– 476.; Нарзикулова Н. Раҳбар шахсининг маънавий қиёфаси. – Т.: ТДПУ, 2012. – 75 б.; Бекмуродов М. Б. Жамоатчилик фикрининг ижтимоий-маданий тараққиёти. Т.1997.– 317 б.

¹⁰Ғозиев З.Ғ. Тараққиёт психологияси. Т.: «Университет», 1999. –48 б.; Шоумаров Ғ. Б. Ўзбекистон таълим тизимида психологик хизмат муаммолари //Янги турдаги ўрта махсус ўқув юртларида таълим ва тарбиянинг самарадорлигини оширишнинг психологик муаммолари. – Тошкент,1998. – Б. 13-15.; Қодиров Б.Р. Истеъдодли болалар ва уларни танлаш методикаси.–Тошкент,1992.– Б. 32-33.; Токарева В.А. Личность-важнейшая составляющая национальной модели подготовки кадров// Янги турдаги ўрта махсус ўқувюртларида таълим ва тарбиянинг самарадорлигини оширишнинг психологик муаммолари.–Тошкент, 1998.– С. 21-22.; Каримова В.М. Глобал ўзгаришлар шароитида шахс ижтимоий-хулқини бошқаришнинг долзарблиги/XXI аср психологияси:назария, амалиёт истиқболлар//Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: “Mumtoz soz”,2013.–Б.32-35.; Сафаев Н.С. Духовность и национальное самосознание личности. Монография. – Ташкент: Фан, 2004.– 211с.; Баротов Ш.Р. Ўзбекистонда психологик хизмат ташкил этишнинг ижтимоий-психологик ва илмий-амалий асослари: Псих.фан.док. ... дис. Т.,– 1997.; Умаров Б.Ж. Маънавий-маърифий фаолият жараёнида талабаларда мустақиллик тафаккурларини шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед. фан. ном. ... дис.– Т.: БДУ, 2005.– 140 б.; Нишонова З.Т. Олий мактаб психологияси. – Тошкент: ТДПУ, 2003. – 136 б.; Файзуллаев А.А. Мотивационная саморегуляция личности. – Ташкент: ТГУ, 1987.– С. 19-50.; Жабборов А.М. Педагогик технологиянинг этник асослари. – Тошкент: Зарқалам, 2006. – 48 б.

Тадқиқотнинг мақсади аффилиация мотивини ривожлантириш орқали талабалар маънавий қиёфасини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик омилларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аффилиация мотиви ва шахс маънавий қиёфасини шакллантиришнинг ўзаро алоқадорлигини асослаш ҳамда компонентларини аниқлаштириш;

аффилиатив мулоқот компонентларини очиб беришга йўналтирилган диагностика методикаларни тизимлаштириш ҳамда корпоратив ва коррекцион тренинглар дастурини ишлаб чиқиш, унинг самарадорлигини баҳолаш;

талабалар маънавий қиёфасини шакллантиришга таъсир этувчи аффилиация мотиви ва кадриятлар тизими ўртасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш;

талабалар ижтимоий хулқи, аффилиация мотиви ҳамда маънавий қиёфаси ўртасидаги ўзаро муносиблик кўрсаткичларини аниқлаш ва эмпирик маълумотлар статистик таснифини ишлаб чиқиш;

аффилиация мотиви, яъни талабалар ижтимоий фаоллашуви орқали маънавий қиёфасини шакллантириш бўйича илмий-амалий хулоса ва тавсиялар моҳиятини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти бакалаврият таълим йўналишлари бўйича таҳсил олувчи 1-4 курс талабалари. Жами тадқиқотда 285 нафар респондентлар иштирок этишган.

Тадқиқотнинг предмети аффилиация мотиви асосида талабалар маънавий қиёфасини шакллантиришга таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС); А. Меграбян томонидан ишлаб чиқилган ва М.Магомед-Эминов томонидан модификациялаштирилган «Аффилиация мотивацияси» сўровномаси; «Шахснинг ижтимоий кадриятларини диагностика қилиш» методикаси; М.Кубишкинанинг «МАС» (мақсадга эришиш, рақобат (таваккалчилик) ва ижтимоий нуфузга интилиш мотивацияларини аниқлаш) сўровномаси; М.Эдварснинг «Шахсан маъқул топилган жиҳатларни аниқловчи сўровнома»; В.Стефансоннинг «Гуруҳда хулқ-атвор мотивациясини ўрганиш» методикаси; Е.Залюбовскаянинг «Индивид томонидан гуруҳнинг идрок этилишини ўрганиш» сўровномаси; Ч.Спилбергер, Ю.Ханинларнинг «Реактив ва шахсий хавотирланиш даражасини баҳоловчи» сўровнома; математик-статистика методлари, яъни, маълумотлар ишончлилик даражасини аниқлаш, миқдорий маълумотларни статистик таҳлиллашда махсус компьютер дастури асосида корреляцион боғлиқликни аниқлаш усулларида, натижаларнинг ўртача арифметик қиймати ва дисперсияни топиш формулларида (Стъудентнинг – t муқаррарлик мезони, Колмогоров-Смирнов Z мезони, Спирмен мезони, Манн-Уитни U мезони, Крускал Уоллис мезони, бир омилли дисперсион таҳлил мезони, Уилкоксон мезони, χ^2 мезонидан коэффицентни ҳисоблаш методлари) лардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

талабаларнинг маънавий қиёфасини шакллантириш омили сифатида аффилиацияга йўналганлик ва рад этилишдан кўрқиш компонентлари, аффилиация мотивининг билиш, конатив ва интегротив функциялари ва ўзини таъкидлаш, ҳамкорликка интилиш, мулоқот учун муомала каби ижтимоий-психологик хусусиятлари аниқлаштирилган;

талабалардаги аффилиация мотивининг ижтимоий хулқ ва маънавийга боғлиқлигини эмпирик жиҳатдан тадқиқ этувчи диагностик методикаларни қўллашга доир илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган;

аффилиация мотиви талабалар маънавий қиёфасини шакллантириш омили ва ижтимоий хулқнинг ички мувофиқлаштирувчи механизми эканлиги исботланган;

аффилиация мотиви асосида талабалар маънавий қиёфасини шакллантиришга доир ижтимоий-психологик тренинглари, корпоратив тренинглари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

аффилиация мотиви асосида талабалар маънавий қиёфасини шакллантириш руқли тематик кўрсатувлар дастури яратилган;

фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар учун талаба-ёшлар билан мулоқотда эътибор қилинадиган психологик жиҳатларга доир тавсиялар ишланмаси ишлаб чиқилган;

талабаларнинг маънавий қиёфасини шакллантиришга доир тренинглари мажмуи ишлаб чиқилган;

талабалар ва ўқитувчилар учун мўлжалланган «Аффилиация» электрон изоҳли луғати тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот мобайнида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, аввало, тадқиқот объектларининг Ўзбекистон муҳитида танланганлиги, тадқиқотларда ва тренингларида қатнашган респондентларнинг етарлича репрезентативлилиги, аниқлиги, олинган эмпирик миқдорларнинг математик-статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, текширувларнинг бир неча аниқ ва режали босқичларда ва турли усуллар ёрдамида амалга оширилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади. Натижалар математик статистика методларини самарали қўллашга имкон берувчи «MS Excel», «SPSS 13», «Statistica 6.0» дастурлари воситасида «Пентиум-4» русумли компьютерларда қайта ишланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аффилиация мотиви талабалар маънавий қиёфасини шакллантириш билан ўзаро алоқадорлиги, ментал ва этнопсихологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, аффилиация мотиви ҳамда шахснинг ижтимоий хулқи таркиб топишига таъсир этувчи маънавий омилларнинг яхлит ёндашув асосида тизимлаштирилганлиги, аффилиатив

хулқнинг ижтимоий-психологик механизмлари мазмун-моҳияти очиб берилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, қўлга киритилган натижалар олий таълим муассасаларида «Педагогика. Психология», «Умумий психология», «Педагогик ва ёш психологияси», «Касбий психология», «Ижтимоий психология», «Психодиагностика», «Акмеология» соҳаларининг мазмунини бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган тренинглар мажмуидан педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олинган илмий натижалар қуйидаги фаолиятларда татбиқ қилинган:

талабаларнинг маънавий қиёфасини шакллантириш омили сифатида аффилиация мотивининг компонентлари, функциялари ва ижтимоий-психологик хусусиятлар олий таълим тизимининг педагогика таълим соҳасига доир Давлат таълим стандарти (O'z DTS 36.1998:2015) мазмунига сингдирилган. Натижада илғор хорижий тажрибалар асосида бакалаврият таълим йўналишларида ўқитиладиган психологик-педагогик фанларнинг ўқув-услубий таъминоти такомиллаштирилган;

талабаларда аффилиация мотиви орқали маънавий қиёфани шакллантириш тизими «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Васийлик кенгашининг 2015 йил 10 декабрдаги 65-сон мажлис баёнида белгиланган вазифалар, хусусан, «Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора тадбирлар Дастури» ижроси юзасидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси томонидан 2015 йил 24 декабрда тасдиқланган «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси»нинг 2-бўлимига мувофиқ марказий телерадиоканалларда тайёрланган тематик теледастурлар мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2016 йил 15 сентябрдаги 05-12/2733-сон маълумотномаси). Таклифларнинг жорий қилиниши Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг рўқбли тематик кўрсатувларини самарали ташкил этишга хизмат қилган;

Халқ таълими ходимларини малакасини ошириш тизимида сифат ва самарадорликни оширишга доир таклифлардан «Халқ таълими муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мазмуни ҳамда сифатига қўйиладиган Давлат талаблари»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (O'zStandart Давлат агентлигида 2013 йил 5 мартда O'zDSt 2767:2013 3523-қайд рақами билан рўйхатга олинган). Мазкур Давлат талаблари такомиллаштирилган ўқув дастурлари ва ўқув қўлланмалар яратишга хизмат қилган;

ёшлар маънавий қиёфасини шакллантиришга хизмат қилувчи тренинг дастури, илмий-амалий хулоса ва таклифлардан «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг 2015 йил 23 декабрдаги 73-сонли баёни билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури»нинг VI

йўналиши «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини услубий адабиётлар билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлари»да белгилаб берилган «Фуқаролар йиғинининг диний, маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун аҳоли билан ўзаро мулоқотда эътибор қилинадиган психологик жиҳатлар ҳақида» услубий тавсияларни ишлаб чиқишда фойдаланилган («Маҳалла» хайрия жамоат фондининг 2016 йил 5 октябрдаги 48-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари маслаҳатчиларининг ёшларни маърифий, ахлоқий ва маънавий тарбияси масалалари бўйича фаолият самарадорлигини ошириш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жумладан, 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 144 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти шакллантирилган, илмий янгилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

«Ёшлар ижтимоий хулқи ва маънавиятига аффилиация мотиви таъсирини ўрганишнинг назарий ва методологик асослари» деб номланган биринчи бобида ижтимоий психологияда мотивация муаммосига батафсил тўхталиб ўтиб, психологияда инсон хулқи мотивлари муаммосининг ривожланиш тарихи батафсил ёритилган. Мазкур бобда аффилиация мотивининг илмий ва назарий асослари, ушбу мотивни ўз тадқиқот ишларида ўрганган тадқиқотчилар томонидан унинг таркибий компонентлари, функциялари, ижтимоий-психологик хусусиятларига берилган изоҳлар баёни келтирилган. Аффилиация мотивациясини ўрганиш бўйича турли олимлар томонидан ўтказилган эксперимент ишлари, уларнинг натижалари батафсил ёритилган (В.Панфёров, О.Гребенюк, Т.Гребенюк, Г.Абрамова, В.Как Калик, Т.Матис, А.Маркова). Бунинг натижасида, аффилиация мотивига берилган мавжуд таърифларни умулаштирган ҳолда, аффилиация (алоқа, мулоқот) деганда, инсонлар билан мулоқот ўрнатиш

натижасида ҳар иккала томонда бирдай қониқиш ҳиссини ҳосил қилишга, мулоқот жараёнини мазмун билан бойитишга ва унга киришиб кетишга ундовчи ижтимоий-психологик ўзаро таъсирларнинг жамланмаси тушунилиши батафсил очиб берилган.

Мазкур бобда хориж ва ҳамдўстлик давлатларида аффилиация мотивининг ижтимоий-психологик жиҳатларини илмий-назарий талқин этиш тажрибаси, ўрганилиш ҳолати ва бу йўналишдаги муаммоларга тўхталиб ўтилган. Жумладан, мавзуга оид шахслараро муносабалар доираси А.Меграбян илмий-тадқиқот ишларида ўрганилган бўлиб, у аффилиация мотивининг икки таркибий компоненти: аффилиацияга эҳтиёж (симпатия, мулоқотдаги қўллаб-қувватлаш) ва рад этилишдан кўркишни (мулоқот ўрнатилмаслиги ёки расмийлигича қолиши) ажратиб ўтиши таҳлил этилган.

Мавзу доирасида адабиётлар шарҳи, хориж мамлакатларида аффилиация мотивини илмий тадқиқ этиш ишлари ижтимоий-психологик, педагогик-психологик, психоаналитик, антропоэтнографик, социологик, фалсафий йўналишларда олиб борилганлигини кўрсатган (Г.Мюррей, Х.Хекхаузен, А.Меграбян, З.Фрейд, А.Маслоу, Д.Макклелланд, Д.Майерс, И.Кузнецова, С.Юрковская, Н.Творогова).

Назарий таҳлиллар аффилиация мотивини ташкил қиладиган асосий компонентлар, хусусиятлар ва уни ривожлантириш мезонлари айнан шахслараро муносабатлар тизимида кечишини кўрсатди.

Аффилиация мотивациясининг намоён бўлиши шахс мансуб бўлган жамиятга, унда яшаётган шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий қарашларига, жамоавийлик психологиясига, инсоний муносабатлар жараёнларини англаш, тўғри хулоса чиқариш ва ривожлантиришга боғлиқ бўлгани сабабли, уни эмпирик жиҳатдан ўрганиш, у билан боғлиқ ижтимоий хулқни регуляциялаш, бошқариш мезонларини ишлаб чиқишга эҳтиёж мавжудлигини тасдиқлади.

Ушбу бобда аффилиация мотивацияси муаммосининг мамлакатимиз тадқиқотчилари изланишларида ёритилиши, жумладан, Ўзбекистон тадқиқотчилари мотивация муаммосига алоҳида эътибор бераётганликлари таъкидланади. Жумладан, психолог олимлар Э.Ғозиев, В.Токарева, Ғ.Шоумаров, В.Каримова, Ш.Баротов, Н.Сафаев, Б.Қодиров, Б.Умаров, А.Жабборов, З.Нишонова, Г.Тўлаганова, О.Хайитов, П.Эргашевлар мотивация муаммосини ўрганиш бўйича олиб борган илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилинади.

Шунингдек, аффилиация мотиви ижтимоий хулқнинг маҳсули сифатида нечоғлиқ ёшлар маънавий дунёсини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши ёритилган. Илмий ишнинг биринчи назарий бобидан шундай хулосалар чиқарилганки, аксарият рус ва чет эл психологлари томонидан мотив ҳамда мотивация муаммоси психологик категория тариқасида талқин қилиниб, ушбу муаммоларга умумпсихологик, педагогик-психологик ҳамда қисман ижтимоий-психологик нуқтаи назаридан ёндашилган. Ушбу олиб борилган тадқиқотлар эса аффилиация мотивациясининг гуруҳий жараёнлар ва фаолият доирасида айнан ижтимоий-психологик категория эканлигини

тасдиқлайди.

Мазкур бобда психологияда ижтимоий хулқ тушунчасига батафсил тўхталиб ўтилган, аффилиация мотивацияси орқали шахс маънавий қиёфасини шакллантириш жараёни ҳам шахснинг ижтимоийлашуви жараёни билан бевосита боғлиқлиги кўрилган. Шахс маънавий қиёфаси тушунчасини очиб беришга, уни кадриятларга ва талабаларда аффилиация мотивациясини шаклланишига алоқадорлик томонлари таҳлил қилинган.

«Маънавият», «маънавий қиёфа» тушунчаларининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланган кўплаб таърифларига изоҳлар бериб ўтилган, маънавий қиёфанинг таркибий компонентлари кўриб чиқилган ва батафсил таҳлил қилинган (З.Ишмурадова, Н.Шермухамедов, А.Жалолов, С.Отмуротов, Г.Туленова, Н.Очилова). Мавжуд таърифларни умумлаштирган ҳолда: «Маънавий қиёфа шахснинг жамики ижобий ижтимоий-психологик фазилатлари, хислатлари, ҳис-туйғуларининг йиғиндиси бўлиб, у умуминсоний ҳамда миллий кадриятларга садоқат руҳининг устуворлиги, юқори маданий савия, инсонни улуғлаш ҳисси, фуқаровий туйғуларининг кундан-кунга ортиб бориши асносида жамиятда ҳамкорликка, ҳамжиҳатликка интилиш каби масъулият ҳиссида намоён бўлувчи мураккаб ижтимоий мажмуа эканлиги таҳлил этилган. Ушбу фикрларни умумлаштирган ҳолда, маънавий қиёфа мураккаб ижтимоий мажмуа сифатида: ватанпарварлик, меҳнатга ҳалол ва виждонли муносабат, ҳамдардлик, ҳаммага ёрдам кўлини чўзишга тайёрлик, одамгарчилик, коллективизм, жамоага йўналганлик, маънавий бойлик, инсонийлик, виждон, эътиқодлилиқ, масъулият ҳисси, ҳақиқатгўйлик, маълумотлилиқ, меҳнатсеварлик, хушмуомалалиқ, одиллик, биродарлик, хур-фикрлилиқ, мустақиллик, тартиблилиқ, тараққийпарварлик каби сифатлар таҳлили келтирилган.


Ушбу бобда ташқи стимул ҳисобланган миллий урф-одатлар, анъаналар ижтимоий хулқни барқарорлаштириши, маънавий қиёфани шакллантиришга асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилиши таҳлил қилинган (Г.Туленова, М.Тўйчиева). Фаолият билан мулоқот бирлиги маънавий қиёфани шакллантириш ва таркиб топтиришда асосий омил бўлиб хизмат қилиши ҳақида сўз юритилган. Талабаларнинг маънавий қиёфаси таркиб топишига хизмат қилувчи фазилатлар тизими бўйича қилинган ишлар таҳлили (М.Тўйчиева) ҳамда муаллиф томонидан таклиф этилган янги модел кўриниши ҳавола этилган. Бобнинг сўнгги параграфида тадқиқот объекти ҳақида маълумотлар келтирилган. Яъни, тадқиқотда жами 285 нафар респондентлар, шулардан 60 нафар респондент корпоратив тренинг дастурида ҳам иштирок этганлиги кўрсатилган. Боб сўнггида тадқиқотнинг методологияси ва қўлланилган методлар, уларга қўйиладиган талаблар таҳлили берилган. Муҳими, этнопсихологик тадқиқотларда фойдаланиладиган аксарият шахсни ўрганиш воситалари дастлаб муайян маданият ва ўша давлат тили доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, тадқиқотда қўлланилган методларнинг ишончлилигини тасдиқлаш мақсадида зарурий психометрик кўрсаткичлар: ички ва параллел ишончлилиқ, ретест

ишончлилик, турли тест шкалаларига тааллуқли факторлар ўз структурасига мослигига эътибор қаратилган.

«Аффилиация мотивининг ёшлар ижтимоий хулқи ва маънавиятига алоқасини эмпирик жиҳатдан ўрганиш натижалари» деб номланган иккинчи бобда талабалардаги аффилиация эҳтиёжининг маънавий қадриятларга боғлиқлиги яна бошқа муҳим омиллар билан боғлаб ўрганилганлиги кўрсатилган.

Олий ўқув юртларидаги талабалар таркиби энг, аввало, икки жинс вакилларидан ҳамда қишлоқ ва шаҳар шароитида ўсганлик нуқтаи назаридан фарқланишини инобатга олиниб, улардаги аффилиатив мотивацияга мойилликнинг турли қирралари шу мезон асосида ажратилганлиги кўрсатилган (1-расм).

Дастлабки корреляцион таҳлилларнинг натижалари ушбу гуруҳлар (йигит ва қизлар, шаҳарлик ва қишлоқ ёшлари)даги бевосита аффилиацияга йўналганлик ва рад этилишдан кўрқиш мотивациялари ўртасидаги боғлиқлик акс эттирилган. Аниқланишича, ёшлардаги рад этилишдан кўрқиш мотиви ва шахсий хавотирланиш ўртасида ўзаро алоқа мавжуд бўлиб, у талабаларнинг ижтимоий хулқини турлича характерлайди.



1-расм. Шаҳар ва қишлоқ шароитида ўсган талабаларда аффилиация мотивацияси кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили

Шаҳар (N=157) ва қишлоқ (N=115) шароитида ўсган талабаларда аффилиация мотивациясини ривожланганлик даражаси кўрсаткичларининг қиёсий таҳлилига кўра, рад этилишдан кўрқиш мотивацияси қишлоқдан шаҳарга ўқишга келган талабаларда (N=115) анча кучлилигини кўрсатди. Аниқланишича, рад этилишдан кўрқиш мотиви ижтимоий фаоллик ва жўшқин муносабатлар доирасини қидириш тенденцияси билан қарама-қарши корреляцияда бўлиб, аффилиацияга эҳтиёж эса эмпатия, муносабатлар доирасини кенгайтириш тенденцияси билан ижобий боғлиқликдалигини кўрсатган.

Эмпирик бобда яна аффилиация мотивининг шахс ижтимоий хулқи йўналишига ва ундаги хавотирланиш даражасига боғлиқлиги ўрганилди. Шахс хавотирланиш даражасини аниқловчи методика натижаларига кўра, рад этилишдан кўрқиш мотивини юқори кўрсаткичини намоён этган талабаларда хавотирланиш даражаси ҳам юқори бўлиб чиқди. Хавотирланиш даражасини юқорилиги талабаларни биргаликдаги фаолиятга кириша олмасликларига сабаб бўлади. Хавотирланишнинг яна бир сабаби эса И.Кузнецова томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари каби бизда ҳам талабани ўз «Мен»и, ўзини ҳурмат қилиш ҳиссининг пастлигида бўлиб, дўст орттиришга ҳалақит бериши, табиий. Бундай талабалар ижтимоий тунд бўлиб, атрофдагиларга кўпинча турли «ниқоб», «ёлғон қиёфаларда» кўринишади, бу ўз навбатида инсонда ички зўриқиш, безовталанишни ўсишига олиб келади. Албатта, бу ҳолат талабадаги маънавий қиёфанинг адекват шаклланишига тўсиқ бўлади. Ўз-ўзини ҳурмат қилиш ҳиссининг пастлиги эса аффилиациянинг бўлмаслигига, бу эса ёлғизлик ҳиссининг пайдо бўлиш эҳтимолини кучайтиради.

Бундан ташқари, жамоавийликка ёки индивидуалликка йўналганлик ҳам муҳим бўлиб, реактив хавотирланиш даражасини кучайтирувчи омиллардан бири ҳам аффилиация мотивациясининг кучсизлигидир. Жамоавийликка йўналганлик эса реактив хавотирланиш даражасини камайтиради ($r=-0,286$; $-p<0,01$), яъни бунда талабалар гуруҳи суянчиқ, тиргак вазифасини ўтайди. Ушбу йўналишларнинг гуруҳий перцепция билан алоқасини ўрганиш ҳам муайян муҳим хулосалар чиқаришга имкон берди. Қуйидаги жадвалда айнан шу икки ижтимоий-психологик омил ўртасидаги корреляцион боғлиқлик акс эттирилган (1-жадвал).

1- жадвал

Реактив ва шахсий хавотирланиш даражасини ҳамда гуруҳни идрок этиш хусусиятларини ўрганиш методикаларининг кўрсаткичлари орасидаги корреляция коэффициентлари (Спирмен мезони)

Кўрсаткичлар	Индивидуалликка йўналганлик	Жамоавийликка йўналганлик	Прагматик йўналганлик
Реактив хавотирланиш	0,260**	-0,286**	0,059
Шахсий хавотирланиш	0,083	-0,09	0,022

Изоҳ: ** - $p<0,01$.

Статистик маълумотлардан кўришиб турибдики, агар талаба шахс сифатида индивидуалликка йўналган бўлса, унда ижтимоий нуфузга, жамиятда обрў қозониш, карьеристликка интилиш ҳам юқори бўлар экан ($r=0,228$; $-p<0,05$). Бундай алоқадорлик жамоавийликка йўналганлик билан салбий корреляцияни кўрсатмоқда ($r=-0,186$; $-p<0,05$). Худди шундай мақсадга эришишга интилиш билан индивидуалликни намоён қилиш ижобий, прагматик йўналганлик эса аксинча, салбий корреляция, алоқадорликка эга (2-жадвал).

**Гурухни идрок этиш хусусиятларини ҳамда МАС
методикаларининг кўрсаткичлари орасидаги корреляция
коэффициентлари (Спирмен мезони)**

Кўрсаткичлар	Индивидуалликка йўналганлик	Жамоавийликка йўналганлик	Прагматик йўналганлик
Ижтимоий нуфузга интилиш	0,228*	-0,186	-0,077
Рақобатга интилиш	-0,092	0,125	0,011
Мақсадга эришишга интилиш	0,1	-0,06	-0,08

Изоҳ: * - $p < 0,05$.

Тадқиқотнинг мантиқий занжири ва ташкилий изчиллигидан келиб чиқиб, ушбу маълумотларнинг қанчалик оиладаги бола сонига боғлиқлигига ҳам эътибор қаратилди. Сабаби ҳудудимиздаги кўпгина оилалар ўртача ва катта оилалар ҳисобланиб, яқка фарзанд бўлган оилалар сони статистик аҳамиятсиз, кам бўлганлиги сабабли, талабалар жавобларида 2 ва ундан ортиқ нафар фарзандли оилаларда тарбияланган респондентларнинг жавобларини яна бир омилли дисперсион таҳлил мезони асосида таҳлил қилинди (3-жадвал).

**Гуруҳдаги хулқ-атвор мотивациясини ўрганиш методикаси
кўрсаткичлари билан оиладаги фарзандлар сони орасидаги ўзаро
боғлиқликнинг статистик таҳлили
(Бир омилли дисперсион таҳлил мезони)**

Кўрсаткичлар	Ўртача қийматлар						F	P
	2 нафар (N=25)	3 нафар (N=38)	4 нафар (N=29)	5 нафар (N=13)	6 нафар (N=4)	7 нафар (N=2)		
Қарамлик	10,5	10,1	11,8	11,8	13,0	11,5	1,72	0,136
